# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан барча канадаликлар номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ғоят қизғин тилакларни йўллашдан мамнунман.

Канада халқингиз олдида турган кўпгина таҳдидларни англайди ва мамлакатингизда тинчлик ҳамда тараққиёт барқарор бўлишига ишонч билдиради. Ўзбекистон ўз халқининг манфаатлари йўлида демократик ҳамда очиқ жамият барпо этиш борасида сезиларли ва муҳим саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Сизга мана шу ишларда муваффақиятлар тилайман.

Ушбу байрам кунида Сизга ва фуқароларингизга энг эзгу истакларимни тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**АДРИЕНН КЛАРКСОН,**
**Канада Генерал-губернатори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига ўз номимдан, шунингдек Австралия ҳукумати ва халқи номидан қизғин қутловлар йўллайман.

Ҳозирги вақтда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар келгусида ҳам худди шундай муваффақиятли ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, менинг шахсий қутловларимни ва Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

**МАЙКЛ ЖЕФФРИ,**
**Австралия Генерал-губернатори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларим ва эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари ва ютуқларини Венгрия ҳамиша катта эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб келади. Сизнинг мамлакатингиз Евроосиё ҳамкорлиги жараёнларида тобора кўпроқ самарали роль ўйнаётганини мамнуният билан таъкидлаган эдик. Ушбу саъй-ҳаракатлар халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига ишончим комил.

Президент Жаноблари!

Сизни ишонтириб айта оламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимизни боғлаб турган анъанавий дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораверишши учун бундан буён ҳам ўз томонимдан ҳамма ишни амалга ошираверaман.

Сиз, Жаноби Олийларига масъулиятли фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар ва аъло даражадаги мустаҳкам соғлиқ тилайман.

**Д-Р ФЕРЕНЦ МАДЛ,**
**Венгрия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига сидқидилдан қутловлар ва мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Президент Жаноблари, Сербия ва Черногория билан Ўзбекистон Республикасининг ўзаро интилиши мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини чуқурлаштиришга йўналтирилади, бу эса фуқароларимизнинг фаровонлигига, шунингдек дунёда тинчлик ва барқарорликка кўмаклашади, деб ишонч билдираман.

**СВЕТОЗАР МАРОВИЧ,**
**Сербия ва Черногория Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

2004 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва халқи ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига самимий саломлар ва табрикларни йўллайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истагини таъкидлайман.

Сиз, Жаноби Олийларидан камоли эҳтиромларимни қабул қилишингизни сўрайман.

**ТАБО МБЕКИ,**
**Жанубий Африка Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами муносабати билан Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси халқи, ҳукумати ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табриклар ва самимий тилакларни йўллашдан бағоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамкорлигимизнинг янги соҳаларида халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ва кенгайиб боришига тилакдошман.

Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик, Ўзбекистон Республикасига эса тинчлик ва фаровонлик тилаб йўллаган эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

**ЧАНДРИКА БАНДАРАНАИКЕ КУМАРАТУНГА,**
**Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига чин юракдан қутловларимни изҳор қилиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади. Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**ТАН ШВЕ,**
**Мьянма Иттифоқи тинчлик ва ривожланиш Давлат кенгашининг Раиси.**

---

# ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПСИН



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу боис ҳам юқоридаги ҳолатлар бўйича суд ерни қайтариб олиш ҳақида қарор чиқарди.

**— Бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш борасида хўжалик судларида қандай амалий ишлар қилиняпти?**

— Дарҳақиқат, бундай низоларни фақат судда ҳал этиш билан муаммони бартараф этиб бўлмайди. Шу боис қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий муносабатларни, айниқса, ердан фойдаланиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини қўллашга эътиборни янада кучайтириш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 мартда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламалдир.

Кейинги пайтда давлат мулки ҳисобланган ердан фойдаланишда суиистеъмолчиликка, уни ижарага беришда турли қонунбузарликларга йўл қўйилаётганининг боиси — айбдорларга нисбатан ўз вақтида қонуний жазо кўрилмаётганидир.

Жамиятимизда пайдо бўлаётган бундай иллатларга қарши вақтида курашиш, бу борада аввало қонун, қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчан кучидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда айни шу муаммони бартараф этиш борасида тегишли идоралар томонидан олиб борилаётган ишлар фаоллашди. Республика хўжалик судларига айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан нафақат соҳа мутасаддилари, балки бошқа органлар киритаётган даъво аризалари сони кўпайганини кузатиш мумкин.

Жорий йилнинг шу давригача давлатга дон топширишга оид контрактация шартномаларини бажаришда, ижара асосида ердан фойдаланишда юзага келган низолар бўйича етти мингга яқин даъво келиб тушди. Даъво аризалари маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган.

Мурожаатларнинг 518 таси ердан мақсадсиз фойдаланилгани ҳақида бўлса, қолганлари давлатга бошоқли дон сотиш бўйича контрактация шартномаси мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ. Мазкур ишларни ҳал қилиш жараёнида 403 ҳолатда ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, 15,6 минг гектардан зиёд ер майдони қайтариб олинди.

Давлатга бошоқли дон сотишга оид контрактация шартномаси бўйича мажбуриятларини лозим даражада бажармаган фермер хўжаликларидан 5 миллиард сўм етказилган зарар ва жарималар ундирилди.

**— Ерга оид қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар мутасадди раҳбарларнинг мурожаатларидан кейин ҳал этилаётгани яхши. Лекин, бундай ҳолатлар юзасидан биров шикоят қилишни истамаса-чи? Унда нима бўлади? Ерни кимдир суиистеъмол қилаётганига томошабин бўлиб туролмаймиз-ку!**

— Тўғри айтдингиз. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар хўжалик судлари раислари жойларда прокуратура, адлия идоралари, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси корхоналари, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва туман бўлимлари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ҳамда Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг ҳудудий тузилмалари билан ҳамкорликда бошоқли дон экинлари етиштириш бўйича давлатдан олинган уруғлик, минерал ўғит, нефть маҳсулотлари ҳамда аванс (кредит) тўловларини қопламаган фермер хўжаликлари фаолиятини чуқур ўрганади. Улардан қарзларни ундириш, шартнома мажбуриятларини сурункали бажармай келаётган истиқболсиз фермер хўжаликларини банкротлик йўли билан тугатиш чоралари кўрилади.

**— Шартнома мажбуриятларини бажара олмасликда фақат фермерларни айблайвериш ҳам адолатдан бўлмас. Ердан ҳосил кўтаргунча фермернинг кўплаб хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарга иши тушади. Очиғини айтиш керак, уларнинг ҳаммасида ҳам фермернинг иши осонгина битавермайди.**

— Гапингизда жон бор. Шу боис фермер хўжаликларининг шартномада кўрсатилган маҳсулотни етиштира олмаганига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (сув билан таъминловчи, техника хизмати кўрсатувчи ва бошқа таъминотчи ташкилотлар)нинг айби бўлса, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан расмийлаштирилиб, берилган ҳужжатлар асосида етказилган зарарлар белгиланган тартибда ундирилади.

Хуллас, фермер бўлиш — баъзилар ўйлагандек, осон иш эмас. У кишидан ишбилармон, ҳалол ва меҳнатсевар, ҳар томонлама етук бўлишни талаб қилади. Фермер деган номни фақат унга муносиблар эгаллаши лозим. Фақат шундагина ер ўз ҳақиқий эгасини топади.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

---

# *Дилларга меҳр улашиб*

**Тошкент туманида қариялар, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш яхши анъанага айланган.**



*Ўтган саккиз ой давомида муҳтож оилаларга 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, ўттиздан зиёд қарияга соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.*

*Куни кеча туман ҳокимлигининг ташаббуси билан 12 нафар кишига ногиронлар аравачаси, 50 нафар кишига эса эшитиш мосламаси туҳфа этилди.*

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

---

# АСЛ ВА СОХТА ҚАДРИЯТЛАР

Кўча-кўйда, аҳоли гавжум жойларда, одатда, одамлар шу кунларда содир бўлган воқеалар ҳақида фикр алмашишига ўрганиб қолганмиз.

— Бесландаги фожиа жудаям оғир бўлди-да, — дея гап бошлади суҳбатдошлардан бири.

— Ҳа, шаҳидлар портлатгандан кейин бояқиш болалар қочмоқчи бўлишгану, уларнинг ортидан ўт очишган.

— Бу хунрезликни бўйнига олган ташкилотнинг номида «ислом» деган сўз бор экан-а...

Беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Баъзан ўзимиз кундалик муомалада ишлатаётган сўзнинг фарқига бормай қоламиз. Ахир шундай мудҳиш жиноятга қўл урган жангарини шаҳид дейиш мумкинми? Одам қиёфасида юрган ваҳшийларнинг исломга нима алоқаси бор? Эҳтимол, бундай хатоларга айрим оммавий ахборот воситаларининг ҳам «хизмати» бордир.

2001 йил 11 сентябрда Америка фожиаларидан кейин бутун дунёда, хусусан, ғарб мамлакатларида *ислом, мусулмон, экстремизм, ислом ақидапарастлиги, ақидапарастлик* каби тушунчаларга тез-тез мурожаат қилинадиган бўлди. Келиб чиқиши жиҳатидан дунёдаги ёш дин — исломнинг асл қиёфасини бузиб кўрсатишга уриниш, унинг асосларини нотўғри талқин этиш ҳоллари кузатилмоқда. Шу сабабдан ҳам экстремистлар талқин қилаётган "ислом" билан ҳақиқий муқаддас динимиз ўртасидаги тафовутга аниқлик киритиш аллақачон жиддий масалага айланди.

Афсуски, исломни нотўғри талқин қилишга оммавий ахборот воситалари "салмоқли" ҳисса қўшмоқда. Шу тариқа яратилган сохта, тескари имидж эса қотиб қолган қараш ва ақидаларни шакллантиради. Бундай ақидаларни бузиш қанчалар машаққатли экани кўпчиликка аён. Ҳали ҳам кеч бўлмасдан юзага келаётган мавжуд аянчли аҳволни тубдан ўзгартириш лозим. Акс ҳолда бора-бора ислом дини дейилганда террор тушинила бошлаши, террорчилик ҳаракати ёки портлатиш деганда эса ўзгалар кўз олдига масжид гумбазлари ва муслималарнинг қиёфалари кела бошлаши ҳеч гап эмас.

Ваҳоланки, бугун бизнинг динимизга миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилади, унга иймон келтираётганларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шундай экан, бошқа конфессиялар вакиллари исломни тўғри англашлари ва холис талқин этишлари муҳим масаладир. Инсон ҳаётини сариқ чақага олмайдиган, дини, миллати бетайин экстремистлар омма фикрини чалғитиш ҳамда бошқа ғаразли мақсадлари йўлида айнан ислом динидан фойдаланаётгани аянчли ҳолдир. Бундай кимсалар одамларнинг соддадиллиги, художўйлигини суиистеъмол қилиб, динни қуролга айлантирмоқда. Дунёнинг обрўли оммавий ахборот воситалари, қатор телеканаллар эса билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш тутиб, қабиҳ ниятли кучларнинг тегирмонига сув қуймоқда.

Ироқда рўй бераётган воқеаларни олиб кўрайлик. Уларга нисбатан оммавий ахборот воситаларининг муносабати бир хил, деб бўлмайди. Айрим телеканаллар, хусусан, Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканалининг тезкорлик, "бор ҳақиқатни томошабинларга бузмасдан, бўяб-бежамасдан етказиш" баҳонасида намойиш этаётган лавҳаларини кўрган одам мусулмон фарзандлари ҳақида, умуман ислом ҳақида қандай хулосага келиши мумкин? Бу ўринда гап аксилтеррор коалициясига аъзо давлатлар фуқароларининг Ироқда гаровга олинаётгани ва улардан айримларининг қатл этилаётгани ҳақида бормоқда. Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, гаровга олинаётганлар ҳарбийлар эмас. Улар вайрон этилган саноат корхоналари, коммуникация тизимларини тиклаш учун Ироққа келган мутахассислардир. Улардан айримларининг қатл қилиниш жараёни "Ал-Жазира" орқали намойиш этилиши ҳар қандай инсонни ларзага солади. Шу ўринда қатор саволлар туғилади. Хўш, *мутахассисларнинг гаровга олингани ҳақидаги ҳабар телеканал мухбирларига қаёқдан етиб кела қолди? Ё, террорчилар билан телеканал ўртасида хуфёна ҳамкорлик шартномаси борми? Видеотасвирларни уларга террорчиларнинг ўзлари ташлаб кетган ҳам, дейлик. Бу видеолавҳаларни намойиш этишга "Ал-Жазира" нега рози бўлди? Кишини сескантириб юборадиган қонли лавҳаларни очиқ намойиш этишдан мақсад нима? Телеканалнинг бундай тарзда фаолият юритиши террорчиларни янги "жасорат"га ундамайдими? Бу каби даҳшатли манзараларни кўрган одамларнинг, айниқса ёшларнинг дийдаси, қалби тошга айланмайдими?*

Жавоб йўқ...

Айни пайтда, дунё электрон ва босма оммавий ахборот воситаларининг пешқадамлари ислом динининг ҳақиқий моҳиятини тушунтириш учун йирик исломшунослар, диншунос олимлар, ҳақиқий мусулмонларга сўз бермаяпти. Ислом дини соҳасида таниқли мутахассис, Қуръонни рус тилига таржима қилган олима Валерия Порохова шундай дейди: "Фожиамиз шундаки, уларга (исломшунос олимлар) сўз беришмаяпти, оғизларини юмишга мажбур қилишмоқда".

Бугун биз аниқ англашимиз керакки, ҳақиқий ислом дини рўшнолик ва эзгуликка чорловчи туганмас кучдир. Бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкаётган террорчилар ислом динининг душманларидир. Муқаддас динимизни, асл исломий қадриятларни, Муҳаммад Алайҳиссалом суннатларини оёқости қилаётган жоҳил кимсаларга қарши маърифат билан курашмоқ лозим.

Ислом динига қарши қаратилган ҳар қандай қабиҳлик бизни жиддий фикрлашга даъват этмоғи лозим. Тарихий, маънавий қадриятлар сарчашмаси, дунёнинг энг мўътабар динларидан бўлмиш ислом динини жўнлаштириш, нотўғри талқин этишдек хавфли қарашлар тенденцияси пайдо бўлаётгани ташвишли ҳолдир. Ҳолбуки, юксак маданият, чуқур фалсафа ва тараққиёт зуҳр этган ислом динининг дунё тамаддунида бекиёс ўрни бор. Демак, жамиятдаги жараёнларни мувофиқлаштиришда кишилар тафаккурини шакллантиришга кучли таъсир ўтказадиган матбуот бу борада ўз имкониятини тўла ишга солиши керак.

Тўғри, бугунги кунда газета ва журналларда, радио, телевидениеда диний мавзуга кенг ўрин ажратилмоқда. Диннинг моҳияти ҳақида кўп гапирамиз, уни ўз билганимизча талқин қиламиз, диний тушунчалар хусусида таҳлилий чиқишлар тайёрлаймиз. Лекин кўп ҳолларда ушбу мавзунинг баъзи нозик жиҳатлари четлаб ўтилади. Масалан, *демократия ислом динига зидми? Ислом ёки араб ҳалифалигини қайта тиклаш замирида муайян кучларнинг қандай манфаати бор? Дин давлатдан нега ажратиб қўйилган?* каби саволлар кўп ҳолларда жавобсиз қоляпти. Одамлар эса бундай саволларга етарлича жавоб ололмагач, демак, ғаразгўй кимсаларнинг (Ҳизб-ут-таҳрирчилар, ваҳҳобийлар) ғоясида жон бор экан-да, матбуот, зиёлилар, қолаверса дин пешволари ҳам аниқ, лўнда жавоб қайтаришмаяпти-ку, деган хулосага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатни четлаб ўтмаслигимиз, аксинча, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **"ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат"** билан баҳсга киришмоғимиз, курашмоғимиз керак. Бу борада сусткашлик, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ваҳоланки, туғиладиган бундай саволларга диний-маърифий талқинлар асосида жавоб бермоғимиз лозим. Журналистларнинг диний масалаларда саводи, билимини ошириш долзарб вазифага айланмоқда. Ҳар биримизда гумон ўрнини қатъийлик, шубҳа ўрнини диний маърифат, сусткашлик ўрнини амалий ҳаракат эгаллаши лозим.

***Ҳақиқат ковушини кийгунича ёлғон ярим дунёни ялангоёқ кезиб чиқади.***

(Инглиз мақоли)

Сўнгги пайтларда айрим сиёсатшунос ва файласуфлар дунё ҳамжамиятига америкалик сиёсатшунос С.Хантингтоннинг цивилизациялар тўқнашувининг муқаррарлиги ҳақидаги фикрини сингдиришга уринмоқда. Уларнинг фикрича, бу тўқнашувга динлар ўртасидаги фарқ, динлараро муносабатлардаги келишмовчиликлар кескин қарама-қаршиликка айланиб кетиши эҳтимоли сабаб бўлиши мумкин. Маданиятлар ва динлараро низолар ҳақида гапириш ҳам урфга айланиб бормоқда. Мусулмон ва насроний динлари орасида номутаносиблик, келишмовчилик бор эмиш. Бу мутлақо нотўғри қараш! Динлараро тотувликни, турли конфессияларнинг бир-бири билан баҳамжиҳат фаолият юрита олишидек ноёб ҳодисани Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Диний бағрикенглик биз учун тарихий анъанадир. Бундан бир ярим минг йил муқаддам, Истам Когоний (552-570 йиллар) даврларидаёқ юртимиз ҳудудида 10 дан ортиқ конфессия тинч-тотув фаолият олиб борган.

Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам **16** та, (қиёс учун: Туркманистонда **2** та, Белоруссияда **5** та) диний конфессияга мансуб ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Республикамизда кўплаб диний ташкилотлар расман рўйхатга олинган. Жумладан, **1971** та масжид мавжуд. (1989 йилда масжидлар сони атиги **89** та эди). Мустақиллик йилларида **40** мингдан ортиқ киши муборак ҳаж амалини адо этиб қайтди. **120** дан ортиқ бошқа диний жамоалар вакиллари ҳар йили Исроил ва Россияга бориб, ўзлари учун табаррук қадамжоларни зиёрат қилади.

Ўзбекистон Президентининг Рус Православ черковининг "Андрей Первозванный" олий нишони билан тақдирлангани ҳам мамлакатимизда юритилаётган оқилона диний сиёсатнинг халқаро миқёсдаги юксак эътирофидир.

Яқинда Интернетда "РИА-Новости" ахборот агентлиги тарқатган бир хабарга кўзим тушди. Дин пешволаридан бири оммани террорчиларга нисбатан исломий ислоҳларни қўлламасликка даъват этди. Иқтибосни айнан келтираман: "Террорчиларга нисбатан *"шаҳид"*, *"мужоҳид"*, *"Оллоҳ лашкарлари"* каби диний истилоҳларни қўллаш нотўғридир. Бундай хатти-ҳаракатлар ислом шаънига доғ туширишга қаратилган. *"Шаҳид" ва "мужоҳид"* деб иймон-эътиқодли, худодан қўрқадиган, диндош биродари ёки бошқа динга эътиқод қиладиган инсон жонига қасд қилишни гуноҳи азим деб биладиган кишига айтилади. "Афсуски, — деб таъкидлайди дин пешвоси, — журналистлар, сиёсатчилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ислом дини аҳкомларини яхши билмаган ҳолда бу истилоҳларни ноўрин, асоссиз қўллайверадилар. Натижада муқаддас ислом дини ҳақида жамоатчилик онгида нотўғри тасаввур пайдо бўлади, унга бутун тараққийпарвар дунёга таҳдид солувчи хавф сифатида қарашади".

Ҳақиқатдан ҳам, сўнгги пайтда баъзи ташкилотларнинг ҳисобот ва нашрларида дин, сиёсат, социология нуқтаи назаридан ҳам анчайин бемаъни янги истилоҳ, тушунчалар пайдо бўлмоқда. Масалан, *"мустақил имом"*, *"мустақил мусулмон"* ва ҳоказолар. Хўш, бу тутуруқсиз гапларни қандай тушунмоқ керак? Улар кимдан, нимадан мустақил? Одамлардан, диндан ёки, Худонинг ўзи кечирсин, Оллоҳдан мустақилми? Фақат АҚШ ва Россия ҳукуматлари эмас, ҳатто араб мамлакатларида ҳам экстремистик ва ўта радикал ташкилот деб қаралаётган "Ҳизб-ут-таҳрир" аъзоларини айрим муаллифлар *"мустақил мусулмон"*, *"эътиқод қурбонлари"*, деб оқламоқдалар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари мушоҳадаси учун яна бир фикрни айтмасдан ўтиш қийин: агар одам жиноятга қўл урса, уни ўша захотиёқ диний мансублик мақомидан маҳрум этмоқ керак.

Террорчилар қабиҳ ва ғайриинсоний жиноятларини содир этаётганда динни ниқоб қилиб олади. Тарихдан кўриш мумкинки, турли даврларда исломдан бошқа динлар вакиллари ҳам бу ниқобдан фойдаланган.

Бунга жавобан В.Порохова қуйидагича холис баҳо беради: **"Агар одамлар жиноят содир қилса, биз дарҳол уларнинг диний жиҳатини олиб ташлашимиз зарур. Бу террорчи мусулмон ёки яҳудий ёки насроний дейишга ҳаққимиз йўқ. Террорчилик ҳаракатини содир этган одам насроний, яҳудий, мусулмон бўлмайди, у – эътиқодсиз, жиноятчи. Уни фуқаролик кодекси бўйича суд қилиш лозим ва унга диний ёрлиқ осмаслик керак". Олиманинг яна бир фикрига кўра "Қотиллар дўзахга тушади... Агар у ўзини қаҳвахонада портлатса ва ўша ерда бегуноҳ одамлар ўлса, у дўзахда абадий ёнади. Бу жиҳод, бу шаҳид, у жаннатга тушади дейиш нотўғри – қуръоншунослик бўйича у қотил ва доим дўзахда ёнади".**

Ўз пайтида Бухоро ва Тошкентда рўй берган террорчилик хуружларидан кейин ҳам айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларида ўзини ўлдирган кимсалар ва жиноятчиларга нотўғри талқин беришга уринишди. Лекин, юқоридаги нуфузли манбалар эса, ундай баҳоларни мутлақо рад этади.

Ҳеч қайси дин инсонни, айниқса болаларни қатл этишга буюрмаган. Россиянинг Беслан шаҳрида ўзларини курашчилар деб номлаган манфур террорчилар томонидан содир этилган жиноят ҳалиҳамон соғлом фикрли ҳар бир инсон юрагини ларзага солмоқда. Етти ёшли биринчи синф ўқувчисининг орқасидан ўқ узган ёвузлар ўзларининг манфур башарасини дунёга яна бир бор намойиш этди.

Кинорежиссёр Андрей Кончаловский "Террорчиларнинг бош қуроли катта пулга сотиб олинадиган ахборот" деганида мутлақо ҳақ эди. Сиёсат арбоби Маргарет Тэтчер ҳам бу борада топиб айтган: "Оммавий ахборот воситалари террорчилар учун кислород вазифасини ўтамоқда". Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситалари террорчилар учун сув ва ҳаводек зарур.

Воқеалар ривожи шуни кўрсатмоқдаки, бугунги жўғрофий-сиёсий вазият ва ахборот хавфсизлиги айнан оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳар томонлама боғлиқ. Сабаб, дейсизми? Сабаби жуда оддий: ислом маданиятидан, мусулмон мамлакатларда содир бўлаётган воқеалар тафсилотидан йироқ одамлар ноҳолис ахборотдан чалғийди, шолини курмакдан ажрата олмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида динга муносабатини шундай ифодалайди: "Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз".

Ўзбекистондаги диний жараёнларни ёритишда яна бир муҳим жиҳат эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу – жаҳондаги мавжуд баъзи сиёсий доиралар ёки сиёсий кучларнинг жўғрофий-сиёсий мақсадларини бизнинг заминда тарқалмаслигини таъминлашдир. Айрим давлатлар ислом дини ғояларини ўз манфаатлари, қарашлари, сиёсатларига мослаштириб, "тарашлаган" бўлсалар, биз "мослаштирилган", "ислоҳ қилинган" ғояларни худди аслидек қабул қилмаслигимиз, уларни холисона ва танқидий нуқтаи назардан ўрганишимиз лозим. Агарда бундай ғояларни таҳлил этмай, бошқа тиллардан айнан таржима қилиб, қандай бўлса шундайлигича баён этаверсак, катта хатога йўл қўйган бўламиз.

Дин биздан юксак касбий маҳорат, одоб, ахлоқни, маданиятни талаб этувчи нозик тушунчадир. Дин ортида юз миллионлаб тақдир, кишиларнинг орзу-умиди, ор-номуси, ғурури турганлигини бир дақиқа бўлса-да, эътибордан соқит этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам, биз бағрикенглик, ўзаро ҳурматни ҳаётимиз мазмун-моҳиятига айлантириб, **ҳақиқат яловини қўлга олиб, беҳаё ёлғонни фош этишимиз зарур.**

**Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ,**
**сиёсатшунос.**

***Дарвоқе,***

***"Фундаментализм" атамаси биринчи марта расман 1908 йилда христиан динига нисбатан ишлатилган. У пайтда Калифорния штатида (АҚШ) протестантларнинг "Христианликнинг фундаментал тушунчалари" мавзуидаги конференцияси бўлиб ўтган (The Conference on Christian Fundamentals).***

***Шунингдек, индуист, буддавий, сикх, синтоит, йудавий фундаментализми атамалари ҳам мавжуд.***

## Тизимли интеграция:

# TS-Technology ® фаолиятида боғловчи бўғин

***Инсон фаолиятига компьютер ва у билан боғлиқ технологиялар кириб келиши билан алоҳида муассаса ва фирмада ҳам, турли компаниялар ўртасида ҳам маълумотлар алмашиш мақсадида компьютерлар тармоғини бирлаштириш зарурати юзага келди. Шахсий компьютерларнинг кўпайганлиги муносабати билан эса ушбу йўналиш янада муҳим аҳамият касб этди. Чунки компьютерларни ўзаро бирлаштирибгина қолмай, янада унумли ва мустаҳкам серверлар билан уларнинг биргаликда ишлашини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.***

Кўпгина ташкилотлар ҳозир турли қувватга ва шаклга эга бўлган компьютер тармоқларидан фойдаланмоқдалар. Шу боис ушбу бозор анча жадал ўзгариб бормоқда. Натижада ана шу тармоқларга бўлган талаб кучаймоқда. Республика бозорида ҳаракат қилаётган кўплаб ташкилотлар ўзларида замонавий даражадаги тармоқ ечимларини жорий этиш заруратини сезмоқдалар.

Бугунги кунда тармоқ технологиялари «тизимли интеграция» деб аталмоқда. Чунки энди гап фақат маҳаллий ҳисоблаш тармоғини вужудга келтириш ҳақидагина эмас, балки сервер, компьютер ва музофотлардаги қурилмаларни интеграциялаш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ягона ахборот инфратузилмасини дастурий жиҳатдан таъминлаш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон барча ҳудудларда электрон ҳужжатлар айланмаси, электрон тижорат, масофадан ўқитиш ва электрон ҳукумат тизимларини жорий этиш арафасида турибди. «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганидан хабардорсиз. Корхона ва ташкилотларнинг электрон бошқариш фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳам ишлаб чиқилиб, Олий Мажлисда муҳокама қилиш босқичида турибди. Бундай шароитда, табиийки, тизимли интеграциялашувнинг роли янада ошади. Чунки мамлакат корхона ва ташкилотлари вақти келиб ўз маълумотлари билан бўладиган барча операцияларни қоғозда эмас, рақамли усулда амалга оширадилар.

TS-Technology® компанияси Ўзбекистон компьютер бозорида, аввало, сифатли компьютер, ишчи станциялари ва серверлар ишлаб чиқарувчи сифатида эътироф этилган. Бу йўналишда TS-Technology®, шубҳасиз, етакчи ҳисобланади. У ўзининг шахсий савдо маркаси остида компьютер ва серверлар чиқариб қолмасдан, бу ишни ўзининг замонавий ишлаб чиқариш ускуналарида амалга оширувчи Ўзбекистондаги ягона компаниядир. Шунингдек, халқаро ISO-9001:2000 сифат андозаси сертификатига ҳам эга.

Ҳозирги кунда корпоратив буюртмачилар учун йирик лойиҳаларни амалга ошириш таъминотчидан нафақат зарур техникаларни етказиб беришни, балки тизимли интегратор сифатида фаолият кўрсатишни ҳам талаб этмоқда. TS-Technology® ўз фаолиятини бошлаган пайтданоқ истеъмолчилар учун тизимли интеграция йўналишидаги хизмат турини ривожлантириб келмоқда. Ҳозир у бу соҳада 7 йиллик иш тажрибасига эга.

Компания республика ва бутун жаҳон ахборот ва технология бозорларида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тизимли интеграцияни ривожлантиришга, яъни истеъмолчиларга мураккаблиги турли даражада бўлган муаммоларнинг мукаммал ечимини тавсия этишга катта эътибор бермоқда. Компания ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтар экан, 2003 йилда ихтисослаштирилган синов лабораториясини шакллантирди. Унинг негизида фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича муҳим тизимларнинг анъанавий ечилмалари ишлаб чиқилмоқда. Унинг мутахассислари Intel, Microsoft, Sumantec, APC, Cisco, 3COM, D-Link, Siemens ва жаҳонга машҳур бошқа ҳамкорларнинг энг яхши ўқув марказларида махсус касб тайёргарлигидан ўтдилар.

Тизимли интеграция ва дастурий таъминлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар билан амалий алоқага ва улар билан кўп йиллик ҳамкорликка эга бўлган TS-Technology® тизимли инфратузилмаларни барпо этиш учун 3COM, D-Link, Allied, Telesyn, Cisco Sistems, RadVision, POLYCOM, VCON, Intel, Hewlett-Packard, Siemens, Panasonic каби жаҳонга машҳур компанияларнинг зарур ускуналари бутловчи қисмларини етказиб бермоқда.

Бугунги кунга келиб, TS-Technology® Ўзбекистоннинг тизимли интеграция бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. У юксак технология, энг замонавий ускуна ва амалий тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган илғор ахборот тизимини яратиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2003-2004 йилларнинг ўзида TS-Technology компьютерлари, HP принтерлари, LG мониторлари, Samsung мониторларини етказиб бериш ва инсталляциялаш, шунингдек, республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкабель» давлат акциядорлик бирлашмаси каби кўплаб муассаса ва компанияларда тармоқ юмушлари, монтаж, ўрнатиш, созлаш бўйича йирик лойиҳаларнинг ижроси таъминланди. TS-Technology® томонидан йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ечилмаларнинг афзаллиги шундаки, у бу ишга комплекс ёндошади ва буюртмачи турли компания ва фирмаларга мурожаат қилиб юрмайди. У TS-Technology®га буюртма берса, бас. Компания компьютер ва офис техникаларини етказиб беришдан бош тортиб, корхонанинг маҳаллий компьютер тармоғи ва телефон тизимларини ўз ичига олган тизимли инфратузилмани лойиҳалаштириш, монтаж ва инсталляция қилиш ишларини охиригача бажариб беради.

Ишга комплекс ёндошиш TS-Technology® нинг тизимли интегратор сифатидаги фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Одатда тизимли интегратор буюртмачининг фақат маҳаллий ҳисоблаш тармоғини лойиҳалаштириш, ускуналарни етказиб бериш, монтаж ва инсталляция қилишни ўз зиммасига олади. Айрим тизимли интеграторлар телефон масалалари ечимини ҳам таклиф этади. TS-Technology® тизимли интегратор эса, тизимли инфратузилмаларни кузатишни ҳам ўз ичига оладиган кенг кўламдаги ишлар ечимини тавсия қилади ва ҳатто видеоконференцияларни ўтказиш учун ускуналарни ҳам монтаж қилиб беради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тизимли интеграция — бу ускуналарни интеграциялаш борасидаги ечимгина эмас, балки турли дастурий таъминотларни жорий этиш ва кузатиб бориш демакдир.

TS-Technology® ўз буюртмачиларига техникаларни етказиб бериш, тармоқ ечилмалари ва шунга қўшимча тайёр дастурий таъминот (ДТ)нинг кенг спектрини (Mikrosoft ALLWindows, Office, Server, OS, Sumantec Antivirus, Sumantec Firewall), ихтисослаштирилган ДТ (1С: корхона ва DTни 1С базасида ишлаб чиқиш), шунингдек, дастурий таъминотни алоҳида лойиҳа ва буюртмачининг эҳтиёжи асосида ишлаб чиқишни тавсия этади. Бундан ташқари, маъмурият ва фойдаланувчи ходимларнинг ўқуви ҳам ташкил этилади.

TS-Technology® компанияси фаолиятининг ҳозирги босқичдаги яна бир ўзига хос жиҳати шуки, буюртмачиларга нархи ва техник ечимлари турлича бўлган бир нечта лойиҳаларни бир йўла тавсия этишдир.

Умуман олганда, TS-Technology® икки йўналишда иш олиб бормоқда: мавжуд IT-инфратузилмани янгилаш ёки янги IT-инфратузилмани барпо этиш. Янги IT-инфратузилмани барпо этиш ишлари буюртмачи ҳамда халқаро андозалар талабларига асосланади.

TS-Technology® ўзи қуриб берган тизимли инфратузилмаларни кузатади, шунингдек, бошқа тизимли интеграциялар томонидан барпо этилган мавжуд тизимларга хизмат кўрсатиши мумкин. Агар тизимли инфратузилмага сервис хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилса, буюртмачи тизимли инфратузилмани созлаш, хизмат кўрсатиш ва ишда юз берадиган барча носозликларни вақтида бартараф этиш вазифаларини TS-Technology®нинг малакали мутахассисларига ишониб топшириб, ўзи эса, бутун эътиборни бизнес-режаларини ҳал этишга қаратиш имконига эга бўлади.

TS-Technology® тизимли интеграция борасида уч йўналишдаги фаолиятни ҳам тавсия этади. Бу тармоқ ечилмалари, телефония ҳамда янги йўналиш видеоконференцалоқадир. Бунда ҳар бир лойиҳа тайёр DT билан жиҳозланади. Шу йўл билан буюртмачи комплекс ечимга эга бўлади: исталган зарур ускуналарни етказиб бериш + тайёр DT + лойиҳага мослаб махсус ишлаб чиқилган DT + ўқитиш!!!

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги хизмат кўрсатувчилардан IT-бозорида корхоналарни компьютер ва офис ускуналари билан жиҳозлашга комплекс ёндошишни, шунингдек, мустаҳкам ва самарали тизимли инфратузилмани барпо этишни талаб қилади. TS-Technology® тизимли интеграция борасида аудит томонидан замонавий ечилмаларнинг бутун комплексини, лойиҳани ишлаб чиқиш, исталган зарур ускуналарни етказиб бериш, монтаж қилиш, ўзи қуриб берган ва бошқа тизимли интеграциялар томонидан барпо этилган тизимли таркибларни кузатишгача инсталляция қилишни таклиф этади. Буларнинг ҳаммаси лозим даражада мустаҳкам ва ишончли бўлиб, айни чоғда турли хил ускуналар (стол устига қўйиладиган шахсий компьютердан тортиб, ишчи станцияси ва серверларгача) биргаликда тавсия қилинади. Уларни компаниянинг ўзи замонавий конвейер линиясида ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда корпоратив мижозларга бундай комплекс ечилмаларни TS-Technology® компаниясидан бошқа ҳеч ким тақдим этаётгани йўқ. [t]

## Корпоратив облигациялар:

# Энг паст ставкадаги катта эмиссия

Потенциал харидорлар ўртасида «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ облигациялари бўйича фоиз маржасини белгилаш юзасидан нашрнинг эксклюзив андеррайтери — «Ўзмиллийбанк» томонидан ташкил этилган танлов ниҳоясига етди. Эмитентнинг барқарор молиявий-иқтисодий аҳволи, бенуқсон кредит тарихи, рангли ва қимматбаҳо металларга жаҳон нархларининг ошиб бораётгани, манфаатдор инвесторлар ўртасида очиқ танлов жараёни, шунингдек, андеррайтернинг касб-маҳорат бўйича юксак обрўсини ҳисобга олиб, «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ облигацияларининг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси билан тенг равишда белгиланди. Фоиз маржасини белгилаш юзасидан танловнинг «Ўзмиллийбанк» томонидан ўтказилиши эмитент билан инвесторлар манфаатларини тенг равишда мутаносиблаштириб, облигацияларни бирламчи жойлаштиришнинг адолатли механизмини яратиш имконини берди.

Мазкур жойлаштириш туфайли эришилган муваффақият эвазига комбинат иккита рекордни қўлга киритди. Бундай эмиссия эса Ўзбекистон корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш тарихида энг катта эмиссияга айланди. Натижада облигацияларга талаб эмиссия ҳажмидан 1,3 баробар ортиб, фоиз ставкаси даражаси шу каби эмитентлар ўртасида энг қуйи даражада бўлди. «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ облигацияларини жойлаштириш жараёнида иштирок этишга хорижий инвесторлар ҳам қизиқиш билдирдилар.

Облигациялар нашри Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Мувофиқлаштириш ва қимматли қоғозлар бозори ишлашини назорат қилиш маркази томонидан 2004 йил 6 августда ҳар чоракда фоиз ставкаларини тўлаш ва сўндиришнинг охирги муддатини 2006 йил 10 августга қадар белгилаш шарти билан жами 3 млрд. сўм миқдорида рўйхатга олинди. Танловда иштирок этиш учун аризаларни андеррайтер 2004 йил 9 августдан 30 августга қадар қабул қилди. «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ облигацияларини харид қилишдан манфаатдор бўлган инвесторлар дастлабки жойлаштириш жараёнида тегишли шартнома-аризани расмийлаштириб, унда кўрсатилган маблағни эмитентнинг махсус ҳисобварағига депонентга ўтказиши зарур эди.

Облигацияларнинг иккиламчи бозордаги ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун ушбу эмиссияда эмитент томонидан оммавий ахборот воситаларида нашр этиладиган оферта қўлланилди. Мазкур оферта инвесторларга облигацияларни номинал қийматида тўртинчи фоиз тўлови кунида эмитентга қайта сотиш бир томонлама ҳуқуқини беради. Бундан ташқари, андеррайтер истаган вақтда облигацияларни инвесторлардан бозор қийматида сотиб олишга тайёрдир.

«Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ мис рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми бўйича МДҲ мамлакатларидаги энг йирик корхоналар учлигига киради. Корхонанинг амалдаги конлари («Қалмақир», «Сарическу» ва бошқалар)нинг ишлаб чиқариш қуввати 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида руда қазиш имконини беради. 2004 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, корхона 41364 тонна мис, шунингдек, 37,8 млрд. сўмлик қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарди. Бу маҳсулотларнинг 60 фоиздан зиёдроғи жаҳондаги 8 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Товар маҳсулотлари сирасига руҳ, кадмий, олтингугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар киради. Корхонада эса жами 23 мингдан ортиқ киши ишламоқда.

***

Облигацияларни харид қилишга доир маълумотларни, шунингдек, эмиссия проспекти нусхасини ва «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» ОАЖ облигацияларининг иккинчи эмиссияси тўғрисидаги бошқа ахборотларни андеррайтердан олиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.** [t]

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон
134-48-11




## НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН

***Тошкент (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).***

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Навқирон Ўзбекистон" мавзуида санъат фестивали очилди.***

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган мазкур тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Ушбу тадбир ҳам тасвирий санъатнинг турли йўналишларида изланаётган қобилиятли ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, ижодини кенг тарғиб этишдан иборат.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада юртимиз билим даргоҳларида таҳсил олаётган икки юз нафарга яқин ёш ижодкорларнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, ёғоч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, кандакорлик, анъанавий миниатюра, заргарлик, тўқимачилик, гиламдўзликка оид асарлари намойиш этилмоқда.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

ASIA REKOM TRADE
РАСМИЙ ДИЛЕР
AMATI®
ОФИС УЧУН
МЕБЕЛЬ
Манзил: Тошкент ш., Нукус к., 69-б уй.
Мўлжал: «Миробод» бозори қаршиси, «Кореана» отели ва «Асака» банки оралиғи.
Тел.: 152-21-45, 152-71-70, 188-07-25.
E-mail: amati_irma@mail.ru




O'zLotto
"ЎзЛотто" лотереяси 38-тиражининг
ҲИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

| | |
|---|---|
| Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: | 25 37 39 27 11 40 |

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 4 сентябрь

Ўйналган ютуқлар:

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 229 350 | 0 | 0 |
| 4та тўғри топилган сон учун | 229 350 | 22 | 10 425 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 802 725 | 274 | 2 929 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 11 сентябрь куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм

Тўкин ҳаёт сари!
Хизматлар лицензияланган
Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган "Sun Trading Guliston" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Барча даъво ва эътирозлар икки ой давомида қабул қилинади. Телефон: 144-54-53. ОКПО коди 19293938*

*Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтган "Shams Building" масъулияти чекланган жамияти тугатилади. Барча даъво ва эътирозлар икки ой давомида қабул қилинади. Телефон: 144-09-48. ОКПО коди 19202516*

Савдо ташкилотлари ва тадбиркорлар диққатига!
«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» супермаркет ОАСИЧЖ
Таиландда ишлаб чиқарилган қуйидаги товарлар бўйича улгуржи савдо ташкил этилганини маълум қилади:

- Болалар кийими тўпламлари (шортик-майка) 10 хил турда бўлиб, 3 ёшдан 6 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 3500 сўм.
- Болалар кийими тўпламлари (шортик-майка) 6 хил турда бўлиб, 2 ёшдан 4 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 1000 сўм.
- Аёллар кўйлаги ип-газламадан тикилган, 48-56 ўлчамлар 15 хил турда бўлиб, баҳоси — 5000 сўм.
- Болалар пойабзали (пинеткаси) 7 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 2 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 2000 сўм.
- Болалар пойабзали (шиппаги) 4 хил турда бўлиб, 2 ёшдан 7 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 2000 сўм.
- Болаларнинг тунги кўйлаги (пижама) 6 хил турда бўлиб, 2 ёшдан 6 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 2000 сўм.
- Қизлар кўйлаги (шляпа, сумкаси билан) 3 хил турда бўлиб, 2 ёшдан 8 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 7000 сўм.
- Қизлар кўйлакчаси 4 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 3 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 4000 сўм.
- Қизлар кўйлакчаси (шапка, трусиги билан) 5 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 2 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 1500 сўм.
- Болалар кийими тўпламлари (шортик-майка) 3 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 2 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 1200 сўм.
- Қизлар сарафани (трусиги билан) 6 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 3 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 2500 сўм.
- Болалар комбинезони 3 хил турда бўлиб, 1 ёшдан 3 ёшгача мўлжалланган, баҳоси — 2000 сўм.

Универмагда булардан ташқари қуюлтирилган сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари ҳамда ҳар хил ноозиқ-овқат товарлари улгуржи савдога қўйилган.

«Тошкент универмаги» жамоаси сизларга хизмат кўрсатишга доим тайёр.





*Футбол*



***Футбол бўйича 2006 йили Германияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионати финал қисмида иштирок этиш учун курашаётган терма жамоалар ўз қитъаларида навбатдаги учрашувларни ўтказди.***

## ФАЛАСТИН ЖАМОАСИ ИККИНЧИ БОР МАҒЛУБ ЭТИЛДИ

Осиё қитъасида иккинчи саралаш гуруҳида пешқадам бўлиб турган Ўзбекистон терма жамоаси тўртинчи турда Фаластин футболчиларига қарши майдонга тушди.

Ўз минтақасида ҳукм сураётган нотинчлик боис фаластинликлар футболчиларимизни Қатар пойтахти Доха шаҳрида қабул қилди.

Ўзбекистон терма жамоаси Фаластин футболчилари устидан 3:0 ҳисобида йирик ғалабага эришди.

Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги баҳсни 12 октябрь куни гуруҳдаги асосий рақиби — Ироқ футболчиларига қарши ўтказади. Ўз гуруҳида 10 очко жамғариб, пешқадамлик қилаётган ўзбекистонликлар Ироқдан икки очко олдинда бормоқда.

**ЎзА.**

***Шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида Шаршин тепа деган маҳалла бор эди. У қадимий эди, одамлар бу ерда Бароқхон замонидан бери муқим истиқомат қилишарди.***

***Шаршин тепанинг номини ўзгартириб «Янги турмуш» деб қўйдилар. Маҳаллага бош бўлиб оқил келди, соддадил кишилар келди. Ва ниҳоят, ишбилармон бир инсон раис этиб сайланди. Ёши бир ерга борган, иссиқ-совуқни обдон тотиб кўрган бу фуқаронинг исми Неъматилла Зоҳидов эди. Унинг падари бузруквори Абдулла ота ҳам бир вақтлар шу ерда раис бўлган, маҳалла аҳлига қўлидан келганча хизмат қилганди. Навбат ўғилга етди. Неъматилла ака енг шимариб ишга киришди.***

*Бир хат изидан*

# Сув келтирган ким? Кўза синдирган-чи?

Ишлайман деган одамга иш топилаверар экан. Маҳалланинг номи «Янги турмуш» бўлгани билан бу ерда янгича турмуш тарзини эслатувчи унсурлар озроқ эди. Кўчалар асфальтланмаган, хонадонларга газ тушмаган, бирон издиҳом бўлса халойиқ ўтириб-турадиган жойнинг ўзи йўқ!

Неъматилла ака аввало, маҳалланинг бошини қовуштиришни ўйлади. Чунки элда оғизбирлик бўлмаса, бир яхши амални барча баравар қўллаб-қувватламаса, қўшнисига кўз олайтириб, кимнинг эшиги кунига неча марта очилиб-ёпилганини санаб ўтирса, юртдан барака қочади. Н. Зоҳидов етти йиллик раислик даврида маҳалладошлари учун анча-мунча хайрли ишлар қилди. Буни бугун кўнгил кўзи очиқ, иймон-эътиқоди бутун одамлар тасдиқлаши мумкин.

Биз бу ерда аввалига «ҳой-ҳой» билан бошланиб, охири «вой-вой»га айланган бир можаро устида тўхталмоқчимиз. Гап шундаки, маҳалла этакроғида қаровсиз бир ҳовли бўларди. У эски масжиднинг ўрни эди. Неъматилла ака оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, шу ерни обод қилишни мўлжаллади. Фаоллар йиғилди, қўл кўтарилди, хуллас, бу ташландиқ ерда маҳалла учун янги идора, турли хил тадбир ўтказиладиган маскан, маҳалла мулки сақланадиган қазноқ ва ҳоказо барпо этиладиган бўлди. Ҳолва дегани билан оғиз чучимайди, икки қаватли янги иморат тиклаш учун фалон пул керак, ишчи кучи, техника, усталар керак. Асосий маблағни Неъматилла ака ўз ёнидан сарфлади. Маҳалла ҳам қараб тургани йўқ. Ҳашар бўлди, ёшлар билаги билан, қариялар тилаги билан кўмаклашди. Ниҳоят, бежирим иморат битди. Лекин Н. Зоҳидов бир оғиз, «Бу менинг пулимга қурилган, иморатнинг эгаси мен бўламан», демади. Аксинча, бир донороқ киши «Ҳой яхшилар, янги уй-жойнинг эгасини тайин қилиб қўяйлик, бир замон келиб, от кимники — минганники, бўлиб Неъматилла қуруқ туҳматга қолиб юрмасин», деди. Кўпчилик рози бўлди. Мажлис чақирилди. 1996 йил 15 майда бўлиб ўтган мажлис қароридан иқтибос:

Н. Зоҳидов: « — Тўхтажон ака, айтинг-чи, ушбу иморатнинг барча темир-терсак, эшик-ромларини ким олиб келган? Томдаги тунукалар кимнинг пулига сотиб олинган?».

Т. Собиров: « — Ушбу нарсаларнинг ҳаммаси сеники, сен олиб келдинг. Агар бино бузилса, уларни фақат сен қайтариб олишинг мумкин».

*Н. Зоҳидов: « — Тоҳир, сен айт, ушбу бино қурилишида 10-12 кишилаб уста-мардикор ишлади. Уларга сен раҳбарлик қилдинг. Уларнинг пулини ким тўлади?»*

*Т. Оташайхов: « — Барча ишчиларнинг ҳақини сен бердинг. Ишласам, ишламасам менга ҳам бир ишчининг ҳақини бериб турдинг. Алебастер, цемент, бўёқ, фанер ва бошқа қурилиш материалларини ҳам сен олиб келгансан. Бу ишларни бажарган уста Носирга ҳам сен пул бергансан. Агарда вақти келиб шу уй бузилса, барчасини олишга сенинг ҳаққинг бўлади».*

**Мажлис қарор қилади: «Янги турмуш» маҳалла идораси тўлалигича Зоҳидов Неъматилланинг оилавий жамғармаси ҳисобига қурилган, деб тан олинсин.**

**Ушбу бинога эгалик қилиш ҳуқуқини бериш лозимлиги Собир Раҳимов тумани ҳокимидан илтимос қилинсин».**

Мазкур қарор тагида маҳалла фаолларидан 17 кишининг имзоси бор. Жумладан, кейинги жанжалкашларники ҳам. Ва ниҳоят, 2003 йил март ойида «Қўштут» маҳалла йиғини оқсоқоли К. Нурматов раҳбарлигида бир гуруҳ фаоллар (улар орасида Т. Оташайхов ҳам бор) далолатнома ёзиб, Ҳаракат кўчасидаги иморатнинг бус-буткул Н. Зоҳидовга қарашли эканлигини тасдиқладилар.

Орадан саккиз йил ўтди. Н. Зоҳидов раисликни тарк этди. Бу орада тўрт маҳалла қўшилиб кетди. «Янги турмуш» энди «Қўштут»га айланди. Касб-кори, турмуш тарзи жиҳатидан бир-бирига ўхшамайдиган маҳаллаларнинг қўшилуви кўпчиликни ажаблантирди. Ҳадемай бундан-да қизиқроқ гап чиқиб қолди. Собиқ «Янги турмуш» маҳалласида яшовчи тўрт фуқаро — Аҳмад Тиллаев, Тоҳир Оташайхов, Одил Обидов ва Тоштемир Пўлатов Собир Раҳимов тумани ҳокимига хат ёзиб, бир вақтлар Н. Зоҳидов ҳомийлигида қурилган ўша ҳовли-жойни маҳалла ихтиёрига олиб беришни сўрашибди! Во ажаб! Гўёки бу иморат маҳалладан йиғилган пул эвазига қурилган эмиш. Ахир 1996 йил 15 майдаги ўша мажлисда Т. Оташайховнинг ўзи эмасмиди Н. Зоҳидовнинг тарафини олиб, жон куйдириб гапирган? Ўн етти кишининг ичида Т. Пўлатовнинг ўқлоғидай имзоси ҳам турибди-ку? Уларга нима бўлди?

> **Талашган ерда тариқ битмас.**
> *Мақол.*

Биз маҳалладаги 40-50 нафар фуқаронинг иқрорномаси билан танишдик. Бу хатларда «идора қурилишига пул бермаганмиз, лекин ҳашар қилганимиз рост», деб ёзилган. Ким ёлғон-чи? Тўртта даъвогарми ёки қирқта гувоҳми?

Неъматилла аканинг нияти бу ҳовли-жойга эгалик қилиш эмас. Агар шундай нияти бўлганида, у 1996 йилги ўша мажлис қарорига суяниб, янги иморатни ўзиники қилиб оларди. У сабр қилди. Аммо замон ўзгариб борар, замон билан бирга маҳалладаги баъзи кимсаларнинг феъли ҳам айниб борарди. Н. Зоҳидов буни пайқади-ю барча ҳужжатларини тўплаб, судга мурожаат қилди. Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик суди 2003 йил 2 сентябрдаги қарори билан Ҳаракат тор кўчасидаги 13-а уй-жойни Н. Зоҳидов номига расмийлаштириб берди. Суддагилар ҳам анойи бўлмаса керак, етарли ва ишончли ҳужжатларсиз бир мулкни бегонага хатлаб бермас.

Муҳтарам ўқувчи! Келинг энди, икки ўртада талаш бўлаётган ўша ҳовли-жойга бир мўралаб ўтайлик. Форобий кўчасининг ўнг тарафи. Тор кўчадаги чоғроқ ҳовли. Узунасига ўн қадамча келадиган бу масканнинг биринчи қаватида тўрт-бешта ҳужра бор. «Қўштут» маҳалла идораси ҳам ҳозирча шу ерда жойлашган. Иккинчи қаватда «Уста-шогирд» касб-ҳунар мактаби очилибди. Маҳалла хотин-қизлари бичиш-тикиш, каштачилик билан шуғулланар эканлар.

— Бошдан-бош бу бинони маҳаллага атаб қурганмиз, — дейди Неъматилла Зоҳидов. — Бу мулкни сотиб олмоқчи эмасман, болаларимни ҳам кўчириб келтириш ниятим йўқ. Худога шукур, уй-жойлари бор. Айтаяпману бу ер маҳалланики бўлиб қолаверади. Тавба, яна нима керак уларга?

Неъматилла ака «улар» деб ҳовли-жойга даъвогарлик қилаётганларни назарда тутаётган эди. Биз ҳам «улар» билан учрашдик. Бир-икки соат суҳбатлашдик. Соч-соқоллари қув оқарган, невара-чевара кўрган кишиларнинг бир-бирига гап бермай, маҳалладошларини маломат қилишлари, кеча айтган сўзларидан тонишлари кўнгилда ёмон асорат қолдирди. Э, аттанг, дедим, ичимда истиғфор айтдим. Сулҳ яхшироқдир, дейилади Қуръони каримда. Ибодатнинг афзали — тавозедур, дейилади Ҳадиси шарифда. Шундоқ экан, сув келтириш қўлимиздан келмаса, кўза ҳам синдирмайлик-да.

Қўшниси яхши қаримас, дейдилар! Кўздек ҳамсоямизни балчиққа белаб, ёмонотлиқ қилгунча, яхшиларга ёндошиб яшаган маъқулроқ эмасми?

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Теннис: Осиё чемпионати




## Осон кечмаётган ғалабалар

Тошкент теннис марказида бўлиб ўтаётган Осиё чемпионати авжига чиқмоқда. Энг қизиқарли баҳслардан бири кореялик Жон Ми-Ра ҳамда ҳамюртимиз, ўн беш ёшлик Влада Экшибарова ўртасида бўлиб ўтди. Унда гарчи Ми-Ра 6:4, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса-да, бунга катта қийинчилик билан эришди. Ўйин бошланишиданоқ асабийлашган Ми-Ра рақибига қарши ўзини эркин тута олмади. Биринчи сетда 5:4 ҳисобига эришгунча у жуда ноқулай вазиятда қолди. Кўп сонли ишқибозлар қўллаб-қувватлаб турган В. Экшибарова кореялик ракетка устасини ўйин давомида бутун корт бўйлаб чопишга мажбур қилди.

— Ўйин мен учун жуда қийин кечди, — деди Жон Ми-Ра. — Влада мен кутганимдан кўра кучли ўйинчи чиқиб қолди. Айниқса орқа чизиқда жуда яхши ўйин кўрсатди.

Шу куни Су Вей Хсиех (Тайпей) Анкита Бхамбрини (Ҳиндистон), Мадина Рахим (Қозоғистон), Кристина Солодовниковани (Ўзбекистон) мағлубиятга учратди.

Чемпионатнинг эркаклар ўртасидаги яккалик ўйинлари ҳам қизиқарли ўтди. Тайпейлик Ти Чен филиппинлик Жон Арчиллни 6:1, 6:3, ҳамюртимиз Вадим Куценко эса қозоғистонлик Диас Доскараевни 4:6, 6:3, 6:2 ҳисобида ютди. Айсам ал-Хақ Қуреши (Покистон) ҳамда Анувата Далодома (Таиланд) ўртасидаги баҳс покистонлик теннисчи фойдасига ҳал бўлди.

Эркаклар ўртасидаги жуфтлик ўйинлар натижалари қуйидагича тугади. Сунил Кумар Сипая ва Вишал Уппал жуфтлиги Эдуард Хан — Важа Узоковларни, Ти Чен — Тзу Ванг эса Салеҳ ал-Ражеҳ — Фаҳад ал-Саад жуфтлигини мағлубиятга учратди. Қозоғистонлик Алексей Кедрюк ва ҳамюртимиз Вадим Куценколар рақиблари Шаҳаб Хасани Нафез ҳамда Бхи Витунпаничлар устидан ишончли ғалабага эришди.

**Газета саҳифаланаётганда кечаги куни охирги ўйинлар ҳақида қуйидаги маълумотларни олдик. Жами 24 та ўйин ўтказилди. Энг асосий рақиблар ўртасидаги ўйин натижалари билан танишинг: Дмитрий Мазур (Ўзбекистон) — Ти Чен (Тайпей) — 6:3. 6:2. Йонг Жун Ким (Корея) — Акмал Шарипов (Ўзбекистон) — 6:4. 6:4. Чин — Вей Чан (Тайпей) — Мадина Рахим (Қозоғистон) — 4:6. 6:4. 6:3.**

Жуфтлик ўйинларда Вадим Куценко ва Алексей Кедрюк жуфтлиги яна ғолиб бўлдилар.

**Р. ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Тендер номи: Мебеллар билан таъминлаш, етказиб бериш ва ўрнатиш**
**Кредит рақами: 1961–UZB**
**Лойиҳа номи: «Таълим секторини ривожлантириш лойиҳаси»**
**Шартнома номи: 1961–UZB/LCB001**

Юқорида қайд этилган лойиҳа барча ваколатли товар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналарни Ўзбекистон Республикасидаги 200 та умумтаълим мактабларини мебель билан таъминлаш, етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича ўз танлов таклифларини ёпиқ ва муҳрланган ҳолатда топширишга таклиф қилади.

Танловда қатнашиш истаги бўлган ташкилотлар ва корхоналар қуйидаги келтирилган манзилдан тўлиқ маълумотларни ва танлов ҳужжатларини олишлари мумкин. Танлов ҳужжатларини олиш муддати 2004 йил 10 сентябрдан бошланади ва ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун ваколатли иштирокчилар қуйидаги манзилга ёзма ариза билан мурожаат этишлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳузуридаги 1961-UZB лойиҳасини амалга ошириш гуруҳининг ҳисоб рақамига қайтариб берилмайдиган, юз эллик ($ 150) АҚШ доллари миқдоридаги пул тўловини амалга оширганликларини тасдиқловчи ҳужжатни лойиҳа офисига тақдим қилишлари керак. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган корхоналар юқорида қайд этилган миқдорни «сўм» эквивалентида тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Марказий банки белгилаган курс бўйича амалга оширади.

Банк реквизитлари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Марказий амалиёт бўлими.

Банк коди — 00882.

Ҳисоб эгаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳузуридаги 1961-UZB лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи.

Ҳисоб рақами — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси учун №20203000904259648002, хорижий валюта (АҚШ доллари) учун 20203840804259648001.

Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамларига тўғридан тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари почта хизмати орқали юборилади ёки Тошкент шаҳридаги лойиҳа офисидан ваколатли иштирокчининг вакилига бериш орқали амалга оширилади. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига лойиҳа жавобгар эмас.

Таклифлар қуйидаги манзилга 2004 йил 20 октябрь соат 15.00 гача юборилиши шарт. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди ва очилмаган ҳолатда қайтарилади. Танлов таклифлари 2004 йил 20 октябрь соат 15.05 да қуйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танлов қатнашувчилари учун 8 октябрь куни семинар ўтказилади.

Лойиҳа мазкур танлов бўйича иштирокчилар томонидан таклифларни тайёрлаш ёки уни етказиб бериш мобайнида қилинган ҳаражатларни қоплаш учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан танловга тегишли қўшимча маълумотларни олишлари мумкин:

**1961-UZB Таълим секторини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи,**
**Тошкент шаҳри, 700027, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 80-уй, 307-хона.**
**Алоқа учун телефон/факс: (99871) 139-89-12.**
**E-mail: esdp1961@sarkor.uz**

## INVITATION FOR BIDS

**Education Sector Development Project**
**Contract Number 1961 – UZB/LCB001**

**For the Supply, Delivery and Installation of Furniture.**

The Project now invites sealed Bids from eligible Bidders for the "Supply, Delivery and Installation of Furniture" grouped in 200 schools within Uzbekistan.

Interested eligible Bidders may obtain further information from the ADB Project Implementation Unit and inspect the Bidding Document at the address given below, from 9:00 to18:00 hours from September 10, 2004 (Tashkent time).

The Bidding Document, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of one hundred and fifty US Dollars ($ 150). Bidders in Uzbekistan may purchase the bidding documents directly from the Project Office and pay the equivalent amount in Uzbekistan Soums. The amount should be directly deposited to the Purchaser's bank account, quoting "1961 – UZB/LCB001":

National Bank for foreign Economic Activity, Central Operation Department

Uzbekistan, 101, Amir timur Street, Tashkent, 70084.

Account Name: PIU ADB UZB-1961 under the Social Complex of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Bank code - 00882
Account Numbers: 20203840804259648001 (for payment in USD)
Or 20203000904259648002 (for payment in Uzbek Soums)

The documents will be sent by post or may be picked up by the representative of the Bidder at the Project Office in Tashkent. No liability will be accepted for loss or late delivery.

Bids must be delivered to the address below at or before 15:00 hours on October 20, 2004. Late Bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidder's representatives who choose to attend at the address below at 15:05 hours on October 20, 2004. On the 8th of October the seminar on bid preparation will be provided for bidders.

The Project will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

**The address of the PIU office is as follows:**
**Education Sector Development Project**
**80, Uzbekistan street, Room No.307**
**Tashkent, 700027**
**The Republic of Uzbekistan.**
**Phone/fax No. (+99871) 139 89 12**
**e-mail: esdp1961@sarkor.uz**

**«AVTOTRAK»**
**ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

***ЗИЛ, ГАЗ ва бошқа автомобилларга дизель ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади.***

***қуйидагиларни СОТАДИ:***

**МТЗ дизели ўрнатилган ЗИЛ-130, 555 ва автокранлар; автомобилларга мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-«кожухлари» (центровкаланган); таъмирланган ЗИЛ-130нинг мотори ва янги вкладишлар, распредваллар; ЗИЛ-4331нинг распилителлари; «Икарус»нинг плунжерлари; «Алтай», «Авиа», «Каммингз», ЮМЗларнинг валлари, блоклари...**




***Нархлар — бозорникидан арзон.***

***Енгил автомобилларга ҳам дизель ўрнатиш бўйича хўжалик, корхона ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатамиз, филиаллар очамиз.***

***МТЗ дизели ўрнатилган автомобиллар 100 км.га атиги 17-20 литр ёнилғи сарфлайди.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (Мўлжал: ТЭА, Корасу-6).**
**Телефонлар: 131-34-65, 66-46-65, 123-65-43.**

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига !** Товар сертификатланган



**«ГАЗ-31105»**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ**
**«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.**



**«ГАЗ-3102»**



**«ВАЗ-2106»**

**Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.**

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62;
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.



**«ГАЗЕЛЬ»**


*(«Халқ сўзи» газетасининг навбатдаги сони 14 сентябрь, сешанба куни чиқади. )*


BUSINESS SOLUTIONS

**RECRUITMENT SERVICES**

Business Solutions Company provides recruiting services and announces following vacancies:

- **Lawyer**
- **Marketing specialist**
- **Marketing manager**
- **Financial analyst**
- **Chief-accountant**
- **Purchasing specialist**
- **HR Specialist**
- **IT specialist**
- **Programmer**
- **Office-manager**
- **Sales agent**
- **Security guard**
- **Engineer**
- **Driver**

Interested candidates should submit their CV or job application form available at our office:

*Hotel Uzbekistan, 15 floor, rooms 1513, 1516*
*Tel: 1205713, 1207777(ext. 2032)*
*e-mail: biznessloutions@tkt.uz,*
*jobs@biznessolutions.com,*
*web-site: www.biznessolutions.com*

Companies interested in recruiting personnel are welcome to contact us on the above address.


Ўзбекистон темир йўллари ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси "Фахрий темирйўлчи" Хожиаҳмад Мирзааҳмедовга волидаи муҳтарамаси
**ҚУМРИ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт-санитария бирлашмаси жамоаси Марказий хўжалик ҳисобидаги дорихона мудираси Галина Шапошниковага фарзанди
**Александр ШАПОШНИКОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон темир йўллари ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси "Ўзтемирйўлконтейнер" ОАЖ раисининг биринчи ўринбосари Рустам Азимовга волидаи муҳтарамаси
**САБУРА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи жамоаси математика ўқитувчиси
**Раъно СОЛИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

"COSCOM" компанияси маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси компаниянинг Андижон филиали раҳбари
**Азамат Акрамович УСМОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 24.00 Топширилди — 23456